

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**“БЮДЖЕТ ХИСОБИ ВА ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАЛАРИ”
ФАКУЛЬТЕТИ**

“БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК” КАФЕДРАСИ

ШАМСИЕВ БУРХОН РАХИМОВИЧ

**ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ
БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ
АҲАМИЯТИ**

**5340400 – “Бизнесни бошқариш” таълим йўналиши
бакалавр даражасини олиш учун ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ТОШКЕНТ-2012

БМИни бажарди:

**БХБ-64 гуруҳ талабаси
А.Х.Файзуллаев**

Илмий раҳбар:

Катга ўқитувчи Х.С Хаджаев

“ЯДАК олдида ҳимояга тавсия эталади”

Кафедра мудири

и.ф.д., доц. Д.В.Расулова

Факультети декани

и.ф.н. Ғ.О. Ибрагимов

(муҳр)

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

- I БОБ. Макроиқтисодий барқарорлик ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг уни таъминлашдаги роли
- 1.1. Макроиқтисодий барқарорликнинг моҳияти ва уни таъминлашнинг аҳамияти
- 1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги роли
- II БОБ. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрнининг таҳлили
- 2.1. Мамлакат макроиқтисодий барқарорлиги ҳолатининг таҳлили
- 2.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини макроиқтисодий барқарорликка таъсири таҳлили
- III БОБ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини ошириш йўллари
- 3.1. Мустаҳкам оила йилида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари
- 3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини ошириш йўллари
- ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Кириш

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодий-иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожда алоҳида ўрин эгаллайди. Шу ўринда Президентимиз И. Каримов томонидан таъкидланганидек “Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилганини қайд этиш зарур. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий қафолатлар яратилди”¹.

Натижада сўнгги ўн йилда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга ўсди, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 фоиздан 74,5 фоизгача ошди. Аҳоли даромадларининг 47 фоиздан зиёди тадбиркорлик фаолиятдан тушган даромадлар ҳиссасига тўғри келади.

2012-йилнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирганда, жорий йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг кўрсаткичлари аввало юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлаш лозим. Ялпи ички маҳсулотнинг 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқаришининг 8,6 фоизга, қишлоқ хўжалигининг 5,8 фоизга ўсиш суръатлари белгиланмоқда. Шунингдек, истеъмол нархларининг ўсиш даражаси 7-9 фоиз доирасида бўлиши мўлжалланмоқда, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиз даражасида сақлаш назарда тутилмоқда².

Албатта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси мамлакатимиз макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги доимо долзарблигича қолаверади, чунки сифат ўзгаришларини амалга ошириш, рақобат муҳитини шакллантирилиши айнан шу соҳа тараққиётига боғлиқдир.

Битирув малакавий ишнинг мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг макроиқтисодий барқарорликдаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

¹ "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2011 йил 24 августдаги 4354-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. www.lex.uz

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2012 йил 20 январ.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари. Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этишимиз лозим:

-макроиқтисодий барқарорликнинг моҳияти ва уни таъминлашнинг аҳамиятини ўрганиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини очиб бериш;

-мамлакат макроиқтисодий барқарорлиги ҳолатининг таҳлилини амалга ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини макроиқтисодий барқарорликка таъсири таҳлилини қилиш;

-“Мустаҳкам оила йили”да мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларини кўрсатиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини ошириш йўллари баён этиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти ва предмети. Барчамизга аёнки, айнан ана шу ижтимоий қатлам – яъни ўрта синф юртимизда амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам объект сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини макроиқтисодий фаолиятига таъсири танлаб олинган. Предмети эса бу субъектларнинг фаолиятини ўрганишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг ахборот манбаи. Битирув малакавий ишни бажариш жараёнида республика Президенти кўрсатмалари ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентнинг йил яқунларига бағишланган маърузалари, макроиқтисодиёт ва кичик бизнесга оид мавжуд илмий адабиётлар ва макроиқтисодий барқарорлик ҳамда уни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштироки масалалари бўйича республикада эълон қилинган ҳужжатлар, мамлакатимизда иқтисодчи олимларнинг ушбу муаммога бағишланган тадқиқотлари натижаларидан ва бошқа жорий ахборотлардан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат макроиқтисодий ҳолатига таъсирини илмий жиҳатдан асосланганлиги ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Ҳукумат томонидан қабул қилинган дастурлар асосида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ролини ошириш бўйича хулосалар қилинганлиги ва таклифлар баён этилганлигидир.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши.

Мазкур битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, шунингдек ҳар бир бобнинг қисқача тавсифи очиқ берилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи боби макроиқтисодий барқарорлик ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг уни таъминлашдаги ролига бағишланган бўлиб, унда макроиқтисодий барқарорликнинг моҳияти ва уни таъминлашнинг аҳамияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги роли масалаларига эътибор қаратилган.

Иккинчи бобда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрнининг таҳлили масалалари қамраб олинган бўлиб, мамлакат макроиқтисодий барқарорлиги ҳолатининг ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини макроиқтисодий барқарорликка таъсири таҳлили амалга оширилган

Учинчи боб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини ошириш йўллари билан боғлиқ масалаларни ёритишга қаратилган бўлиб, унда “Мустаҳкам оила йили”да мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини ошириш йўллари баён этилган

Хулоса ва таклифлар қисмида битирув малакавий иши юзасидан қилинган умумий хулосалар ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг родини ошириш бўйича хулосалар қилинган ва таклифлар берилган

I боб. Макроиктисодий барқарорлик ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг уни таъминлашдаги роли


1.1 Макроиктисодий барқарорликнинг моҳияти ва уни таъминлашнинг аҳамияти

Иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади барқарор иқтисодий ўсишга эришишдир. Бу мақсадга эришмай туриб, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ечиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш мумкин эмас. Бозор иқтисодиётига ўтаётган барча мамлакатлар қаторида Ўзбекистон ҳам барқарор иқтисодий ўсишга эришишни иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади қилиб белгилаб олди.

Иқтисодиётимизда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини сезиларли равишда пасайтириш ҳамда қатъий молия ва кредит сиёсатини ўтказиш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Макроиктисодий барқарорликнинг ўсиши меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан юқзори даражада бандлиги, тўлов балансининг қоникарли аҳволда эканлиги ва миллий валютанинг ташқи бозорлардаги барқарорлиги сингари кўрсаткичларда акс этади. Умуман олганда, мамлакатда макроиктисодий барқарорликнинг асосий белгиларларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1-расм. Макроиктисодий барқарорликнинг асосий белгилари



1-чизмадан кўриниб турибдики, макроиктисодий барқарорликнинг биринчи асосий белгиси бу иқтисодий ўсишдир. Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва барча бошқа муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли-бу миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишига эришишдир. Аҳоли фаровонлигини ошириб бориш ҳам пировард натижада иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ. Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот миқдорининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади. Маҳсулотнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив эканлигини белгилаб беради.

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Интенсив иқтисодий ўсиш шароитида маҳсулот чиқариш кўламини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, яъни янада ривожланган ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Мамлакат ўз иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда устуворликни ё интензив ёки экстенсив иқтисодий ўсишга қаратади. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни инновацион, инвестицион ва меҳнат омилларига ажратишимиз мумкин. Инновацион омиллар иқтисодий ўсишнинг интенсивлигини таъминласа, инвестицион ва меҳнат омиллари экстенсив иқтисодий ўсишни таъминлаб беради.

Макроиқтисодий барқарорликнинг иккинчи белгиси бу тўла бандликдир. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш инсоннинг жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаб ва таъминлаб туриш, янги ишчи авлодини тайёрлаш, уларнинг меҳнат малакасини муттасил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражасининг ўсишини таъминлаш демакдир. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, уларнинг тўла ва самарали иш билан банд бўлиш муаммосини ҳам ўз ичига олади. Иш билан тўла банд бўлишни мутлақ маънода тушунмаслик керак. Биринчидан, ишсизликнинг маълум даражаси иқтисодиёт учун меъёрдаги ҳол ҳисобланади. Бошқа томондан иш билан тўла банд бўлиш меҳнатга лаёқатли барча кишилар ишлаб чиқаришга жалб этилиши зарурлигини англамайди. Иш билан тўла бандлик иқтисодиётда циклик ишсизлик бўлмаган вазиятда мавжуд бўлган ҳолатдир, яъни бу вазиятда фрикцион ва структуравий ишсизлик мавжуд бўлсада, бу турдаги ишсизлар учун бўш иш жойлари ҳам мавжуд бўлади. Шу сабабдан ҳам ишсизликнинг фрикцион ва структуравий кўринишлари мавжуд бўлганда тўла бандлик мавжуд деб тушунилади. Ишсизликнинг иқтисодиёт учун ноҳуш кўриниши айнан циклик ишсизлик бўлиб, у иқтисодиётда пасайиш бўлганда мавжуд бўлади.

Макроиқтисодий барқарорлик шу билан бир қаторда ички нархларнинг барқарорлигида ҳам ўз ифодасини топади. Ички нархларнинг барқарорлиги инфляция даражасига боғлиқдир. Инфляция – бу пул бирлигининг қадрсизланиши ва шунга мос равишда ички нархларнинг ошишидир. Инфляция келиб чиқиш сабаблари ва ўсиш суръатларига қараб талаб ва таклиф инфляцияларига ажратилади. Талаб инфляцияси жами талаб ортиқчалиги натижасида нарх даражасининг ўзгариши юз бериши бўлса, таклиф инфляцияси ишлаб чиқариш харажатлари ва бозордаги таклифнинг ўзгариши натижасида келиб чиқади. Шу билан бир қаторда кутилаётган инфляция ва кутилмаган инфляцияни ҳам ажратиш мумкин. Кутилаётган инфляция ва унинг оқибатларини олдиндан башорат қилиш мумкин бўлган, кутилмаган инфляция эса олдиндан айтиб бўлмайдиган ички нархлар ўзгаришидир. Ички нархларнинг кутилмаган ўсиши макроиқтисодий

барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабдан макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳукумат инфляцияга қарши сиёсатни, яъни нархлар умумий даражасини барқарорлаштириш, инфляцион кескинликни юмшатишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсатни олиб боради. Инфляцияга қарши сиёсат инфляцияни юзага келтирган сабабларни тугатишга қаратилган фаол ва инфляция шароитларига мослашишга қаратилган пасив кўринишда бўлиши мумкин. Инфляцияга қарши сиёсат ўз ичига қуйидагиларни олади: ялпи талабни тартибга солиш ва ялпи таклифни тартибга солиш.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга турли ёндошувлар мавжуд бўлиб, улардан биринчиси таркибий ёндошувдир. Бу ёндошув Кейнс ва унинг тарафдорларига хос бўлиб, улар иқтисодий нобарқарорликнинг сабабини товар ва хизматлар бозори орқали тушунтирадилар ва давлат буюртмаси ҳамда арзон кредит ҳисобига самарали талабни шакллантириш асосида ялпи таклиф даражасини кўтариш мумкин деб ҳисоблашади. Ҳукуматнинг бу тадбирлари иқтисодий пасайишни қисқартиради ва ишсизликни камайтиради. Аммо бундай барқарорлаштиришга қаратилган инфляцияга қарши сиёсат давлат бюджети тақчиллигини юзага келтиради ва кўшимча пул эмиссиясига эҳтиёж туғдиради. Кейнс давлат бюджети тақчиллигини давлат томонидан олинадиган узоқ муддатли қарзлар ҳисобига қоплашни таклиф этган.

Макроиқтисодий барқарорлаштиришга иккинчи ёндошув кейнсчиларнинг макроиқтисодий барқарорлаштиришга қаратилган инфляцияга қарши кураш бўйича таклифлари доимо самара беравермагач ва камчиликлари юзага чиқиб қолгач юзага келган монетаристик ёндошувдир. Бу ёндошув тарафдорлари инфляцияга қарши сиёсатнинг радикал инфляцияга қарши усулларини таклиф этишди. Улар ялпи талабни конфискация типигаги пул ислоҳоти ўтказиш ҳисобига чеклаш ва бюджет тақчиллигини ижтимоий дастурларни қисқартириш камайтиришни таклиф этишди. Монетаристлар инфляция айнан пул билан боғлиқ ҳодиса бўлганлиги сабабли шок терапияси пул массасининг ўсиш суръатларини кескин қисқартиради ва инфляция суръатларини туширади деб ҳисоблашади. Аммо бунда ишлаб чиқариш кескин пасайиши ва бандлилик қисқариши мумкин. Конфискация типигаги шок терапияси кўринишларидан бири бўлиб даромадларнинг ва нархларнинг номинал даражаларини ўзгартирмаган ҳолда, эски пулларни белгиланган нисбатда янгисига алиштириштириш ҳисобланади. Бундай тадбирлар аҳоли томонидан оғир қабул қилиниши сабабли, у қисқа муддатда самара бериши зарур. Монетаристлар томонидан таклиф қилинаётган инфляцияга қарши сиёсатининг яна бир кўриниши - инфляция суръатларини аста секинлик билан пасайтириб бориш (градуаллаш) усулидир. Бу усулда инфляция суръатлари пул массасини кўп маротаба, лекин оз - оздан камайтириш орқали пул массасининг ўсиш суръатини пасайтиришни кўзда тутди. Градуаллаш усули инфляцияни аста - секинлик билан пасайтира бориб иқтисодиётда чуқур пасайишни олдини олиш имконини беради. Градуаллаш

усулини қўллаш пул массаси ва нархлар даражасининг йиллик ўсиш суръати 20-30 фоиздан ошмаганда муваффақиятли бўлади, деб ҳисобланади. Инфляцияга қарши сиёсатнинг монетар усулларга муқобил бўлган вариантларидан бири нархлар ва даромадларни тартибга солиш сиёсатидир. Бу усул даромадларнинг ўсиши ва нархларнинг ўсишини мувофиқлаштиришни кўзда тутди.

Даромадлар ва нархларни тартибга солиш сиёсатини амалга ошириш ҳукумат томонидан нархлар ва даромадлар даражаларини музлатиб қўйиш, пул кўринишидаги иш ҳақининг ўсишини ўртача меҳнат унумдорлигининг ўсишига боғлаб қўйиш орқали амалга оширилади.

Солиқлар таркибини ўзгартириш, ялпи солиқ тушумларидаги тўғридан-тўғри солиқларнинг улушини камайтириш, билвосита солиқлар улушини кўпайтириш, солиқ ставкаларини пасайтириш, уларнинг рағбатлантириш функцияларини кучайтириш, давлат бюджети харажатларини пасайтириш кабилар ҳам инфляцияга қарши кураш тадбирлари ҳисобланади. Инфляцияга қарши сиёсатнинг у ёки бу турини танлаш инфляция жараёнларининг хусусиятига боғлиқ. Инфляциянинг юқори суръатларини олдини олиш учун ҳукумат қуйидагиларни таъминлаши керак:

- самарали солиқ тизимини ва давлат харажатларининг баақарорлигини;
- пул массаси ва миллий даромаднинг бир маромдаги ўсиш суръатларини;
- “инфляцияни импорт қилиш” га йўл қўймаслик.

Бозор иктисодиёти шароитида макроиктисодий мувозанатга эришишнинг роли ва ахамияти бениҳоя каттадир. Макроиктисодий мувозанат мамлакат иктисодиётининг тўғри ёки нотўғри йўлдан бораётганлигини кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки, иктисодиётда бўлаётган доимий ўзгаришлар ҳар қандай мамлакатни ҳам иктисодий мувозанатдан чиқариб юбориши мумкин.

Иктисодий тизимлардаги оғиш товарлар ва хизматлар такчиллигини ёки ортикча ишлаб чиқарилганлигини, инфляция, ишсизлик ва шунга ўхшаш бошқа салбий ходисалар сифатида намоён бўлади. Улар иктисодиёт самарадорлигининг пасайишига ва ахоли турмуш тарзини тушиб кетишига олиб келади. Шу сабабли ҳам иктисодий мувозанат муаммоларини тадқиқ қилиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бирор мамлакатнинг ташқи иктисодий фаолиятга бевосита ва билвосита аралашуви жараёни экспорт ва импорт ҳажми ва таркибига таъсир кўрсатиш орқали ички бандликни таъминлаш, иктисодий ўсишга эришиш, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, тўлов балансини яхшилаш ҳамда валюта курсини тартибга солиш мақсадларини кўзда тутди.

Ҳар бир мамлакат макроиктисодий барқарорликни таъминлашда макроиктисодий чора-тадбирларни ўз ичига олган макроиктисодий сиёсатни олиб боради. Макроиктисодий сиёсат пул-кредит сиёсати, фискал сиёсат, ташқи иктисодий сиёсат ва ижтимоий сиёсатларни қамраб олади.

Пул-кредит сиёсати деганда, тўлиқ бандлик шароитида ялпи миллий маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляциянинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар тушунилади. Пул кредит сиёсати давлат томонидан белгиланади ва уни Марказий Банк амалга оширади. Унинг ёрдамида ҳар қандай давлат мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасини ҳаётга тадбиқ этади.

Пул кредит сиёсатини амалга оширишнинг пировард мақсадлари иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандликни, баҳоларнинг ҳамда тўлов балансининг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Бу мақсадларга эришиш учун миллий валютани муомаладаги пул массаси, фоиз ставкаси ва миллий валюта алмашинув курсининг оптимал катталикларини таъминлаб туриш зарур бўлади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун Марказий Банк қатор вазифалардан фойдаланади.

Пул-кредит сиёсатининг урта асосий воситаси ажратиб кўрсатилади:

1. Ҳисоб ставкаси;
2. Мажбурий захиралар нормаси;
3. Очиқ бозордаги операциялар.

Марказий банк улар ёрдамида пул ёки асосан банк депозитлари кўринишидаги пул массасига ёки фоиз ставкасига таъсир ўтказди, таклифини ўзгартиради ва шулар орқали пул-кредит муомаласини тартибга солиб туради.

Давлатнинг асосий вазифаларидан бири иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳисобланади. Бундай барқарорлаштиришга монетар сиёсат воситалари қатори фискал сиёсат орқали ҳам эришилади. Фискал сиёсат шунингдек, бюджет-солиқ сиёсати деб ҳам айтилади. Бюджет-солиқ сиёсати деганда ноинфляцион ЯИМ ишлаб чиқариш шароитида иқтисодиётда тўлиқ бандликни, тўлов балансининг мувозанатини ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган давлат харажатлари ва солиқларини ўзгартиришни ўз ичига олган чора тадбирлар тушунилади.

Иқтисодиёт турғунлик ёки пасайиш даврида бўлган вазиятларда давлат томонидан рағбатлантувчи фискал сиёсат-фискал экспансия олиб борилади.

Иқтисодиётда тўлиқ бандлик ва ортиқча талаб натижасида инфляция келиб чиқиши мумкин бўлган вазиятларда чекловчи фискал сиёсат- фискал рестрикция олиб борилади. Чекловчи фискал сиёсат давлат харажатларни (G) камайтириш ёки солиқларни (T) ошириш ёки бўлмаса иккала тадбирни бир вақтда олиб бориш орқали иқтисодиётнинг даврий ўсишини чегаралашдан иборат.

Ташқи иқтисодий сиёсат мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан бўладиган иқтисодий муносабатларини мувофиқлаштирувчи чора-тадбирларни кўзда тутиб макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди

Мамлакат ижтимоий сиёсати аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини таъминлаш чора-тадбирларидан иборат бўлиб, мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорликнинг гарови ҳисобланади

Энди макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ролини кўриб чиқамиз.

1.2 Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги роли

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кўпчилик мамлакатларда давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланиб келган. Бунинг сабаби у муҳим макроиқтисодий функцияларни хал этилишига, жумладан,

- миллий иқтисодиётни таркибий қисмини такомиллаштириш;
- иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш; ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш;
- бандликни таъминлаш;
- ҳалол рақобат муҳитини яратишга хизмат қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб қувватлаш кўлами ҳар бир мамлакат иқтисодий ижтимоий ва сиёсий аҳволи ҳолатидан келиб чиқади. Шунинг учун бу борада аниқ йўл ва кўрсатмалар мавжуд бўлмаса-да мавжуд тажрибаларга таяниб қуйидаги йўналишларни тавсия этиш мумкин:

- давлат бюджети маблағлари эвазига қўллаб-қувватлаш;
- ҳар хил фондлар ва уюшмалар маблағлари эвазига;
- молия ва кредит тизимида бу соҳага турли имтиёзлар бериш орқали;
- уларни зарурий ахборотлар билан доимий таъминлаб бориш ва хоказо.

Мустақил Ўзбекистонда бу соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича барча зарурий чоралар кўрилмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига бевосита кўмак берувчи, уни қўллаб қувватловчи махсус кўмита ва кенгашлар:

- ❖ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш;
- ❖ Олий Мажлиснинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар кўмитаси;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш давлат кўмитаси каби махсус кўмита ва идоралар ташкил этилди.

Мамлакат миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бу идораларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Маҳаллий органлар ва ҳокимликлар ҳудудий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва

рағбатлантириш бўйича ўз дастурларини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган биринчи йиллариданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини ташкил этишга киришдилар. Бунинг асосида Олий Мажлис томонидан бир қатор хусусан, “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикасида Хусусий тадбиркорлик тўғрисида, Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисидаги ва бир қатор шу каби қонун ва меърий ҳужжатлар қабул қилиндики, тадбиркорлик фаолияти кўрсатиши учун барча зарурий шарт-шароитлар, ҳуқуқий кафолатлар белгилаб берилди.

1-чизма

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари



Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар ўтказишнинг дастлабки босқичидаёқ стратегик мақсад - хусусий мулкчилик, тадбиркорликка таянган ҳолда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш белгиланиб олинган эди.

Эркин тадбиркорлик, рақобат ва нархлар тизими асосланган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ўрни чекланган бўлади. Давлат бозор механизмининг амал

қилишига қўмаклашади. Бунинг учун у иқтисодий субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини яратиб, "ўйин" қоидаларини белгилайди. Аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиб боришини, кам таъминланган аҳоли қатламлари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида аҳоли даромадларини солиқлар, трансферт тўловлари воситасида қайта тақсимлайди.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида солиқ-бюджет ва пул-кредит тизими воситасида иқтисодий тартибга солади. Давлат бозор механизми тўлатўқис бажара олмаган вазифаларни ўз зиммасига олиб, рақобат муҳитини сақлайди, иқтисодий субъектларининг эркин фаолиятини таъминлайди ҳамда жамият учун керак бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш хусусий мулк қўламини кенгайтириш, унинг даҳлсизлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти ва танлаш эркинлигига, рақобатга асосланган бозор муносабатларини ривожлантириш давлатнинг иқтисодий функцияларини чеклаш билан узвий боғлиқдир.

Тадбиркорлик субъектлари республика аҳолисининг муайян эҳтиёжларини кондириш баробарида мавжуд меҳнат резервларидан фойдаланиш учун қулай имкониятлар ҳам яратади. Бу турдаги хўжаликларнинг янгича иқтисодий муносабатларни шакллантиришда туган ўрни алоҳида, улар бозор муносабатлари ривожланаётган бир пайтда ўзига хос вазифаларни бажаради.

Жумладан:

- ўз оилаларини озиқ-овқат билан таъминлайди;
- мазкур хўжаликларнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга хизмат қилади ва шу билан бирга, республика бозорларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бойитади;
- меҳнат захираларидаги одамларни иш билан таъминлаш баробарида уларнинг меҳнатга лаёқатини сақлашга имконият туғдиради;
- аҳоли ўз-ўзини иш билан бандлигини таъминлайди;
- тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун замин тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳар йили, давлат бюджетини тақдим этишдан олдин, Олий Мажлисга кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш дастури лойиҳасини ўрганиб чиқиш учун тақдим этади. Давлат бюджетда ҳар йили дастурни амалга ошириш учун маблағ ажратилади. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг давлат ва ҳудудий дастурлари, аҳолини иш билан бандлиги бўйича, иқтисодий муаммоларни ечиш ва фавқулотда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича давлат дастурлари билан мослаштирилган. Уларда хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг умумий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий хусусиятлари акс этган, ҳукумат ижро идоралари вазифалари белгилаб берилган, ёрдамнинг аниқ шакллари ва услублари аниқлаб берилган.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кичик нодавлат корхоналарга солиқлар бўйича имтиёзлар бериш;

■ кичик тадбиркорлик таъминотининг молиявий тузилишини шакллантириш, кредит, молия, инвестицион, суғурта институтлари ҳам бундан мустасно эмас;

■ кичик корхоналарга хизмат кўрсатувчи ахборот ва консултив марказлар яратиш;

■ ташқи иқтисодий фаолиятда тариф назорати ва чет эл сармояларини жалб этиш соҳаларини қўллаб-қувватлаш;

■ тадбиркорларни манфаатларини ёқлаб чиқувчи ассоциация ва уюшмалар фаолиятига ҳамкорлик қилиш;

■ тадбиркорларни ўқитиш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, айниқса, сўнги вақтларда Президентимиз томонидан қабул қилинаётган фармонлар, ҳукуматимиз қарорлари бевосита тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилгандир. Катта корхоналар таркибида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, хусусий корхоналар барпо этиш, оилавий тадбиркорликни ва касаначиликни ташкил этиш ҳам шулар жумласига киради.

Лекин, хали ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд, жумладан:

■ республика миқёсида илмий-техник тараққиётнинг пастлиги ва технологик қоқоқлик (маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб қолган техниканинг кўплиги);

■ тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини паст даражадалиги;

■ бозор шароитида иш юритиш учун (маркетинг, менежмент, бухгалтерия ҳисобидаги) зарур билим ва тажрибанинг етишмаслиги;

■ бозор инфратузилмасининг такомиллашмаганлиги;

■ маъмурий бюрократизмнинг кучлилиги.

Мазкур муаммоларни ҳал этмоқ учун ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

■ кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини таъминловчи давлат кафолатлари доирасини кенгайтириш;

■ тадбиркорликнинг эркин ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

■ тижорат банклари томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликга бериладиган моддий ёрдамни кучайтириш;

■ мазкур соҳани ривожлантириш учун зарур маблағларни давлат бюджети ва ҳокимиятларнинг маҳаллий фондларидан жалб этишни кучайтириш;

■ кредитларни суғурталашнинг самарали тизимини яратиш;

■ тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам кўрсатувчи марказларни шакллантириш;

■ тадбиркор кадрларни тайёрлашни кучайтириш;

■ хусусий тадбиркорларнинг моддий ресурслардан фойдаланиши учун қулай шарт-шароит яратиш даркор.

Республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш учун мазкур хўжалик субъектларининг шаклланиши босқичида уларга имкон қадар кенг имтиёзлар берилиши миллий иқтисодиётимиз инфратузилмасида хусусий тадбиркорлик ўзига хос ва мос ўрин эгаллашга олиб келди.

II боб. Макроиктисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрнининг таҳлили

2.1 . Мамлакат макроиктисодий барқарорлиги ҳолатининг таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган республикани 2011 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, 2009-2012 йилларга мўлжалланган “Инқирозга қарши чоралар дастури” ҳамда “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йили” давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётда юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиктисодий мутаносиблик сақланиб қолинди.

2011 йилда Ўзбекистонда дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 77,8 трлн.сўмлик ЯИМ ишлаб чиқарилиб, унинг реал ўсиши 2010 йилга нисбатан 8,3 фоизни ташкил қилди.

Иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари:

- мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича ишлаб чиқилган тадрижий тараққиёт дастури ва ички талабни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётганлиги;

- иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган сиёсат олиб борилаётганлиги;

- мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли сезиларли даражада ошаётганлиги;

- молия-банк тизимининг барқарор ва самарали фаолият кўрсатаётганлиги эвазига эришилди.

1-жадвал

2011 йилда Ўзбекистонда асосий макроиктисодий кўрсаткичлар

	млрд. сўм	2010 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	77750,6	108,3
Саноат маҳсулоти	41655,9	106,3
Истеъмол товарлари	14926,3	111,0
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	19633,6	106,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	18291,3	107,9

	млрд. сўм	2010 йилга нисбатан фоиз хисобида
Курилиш ишлари	9438,1	108,5
Юк айланмаси, млрд.тн-км	80,9	106,8
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи-км	82,4	107,8
Чакана товар айланмаси	28357,0	116,4
Пуллик хизматлар	10557,3	116,1
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ. долл.	25537,1	115,0
Экспорт	15027,2	115,4
Импорт	10509,9	114,5

2011 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2010 йилга нисбатан 6,3 фоизга ошди ва 41,7 трлн.сўмни ташкил этди. Санотда ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатлари фармацевтика ва мебелсозлик (ўсиш суръати 18 фоиз), озиқ-овқат (13,1 фоиз), машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), қурилиш материаллари (11,9 фоиз) ҳамда кимё ва нефть-кимё (9,4 фоиз) соҳаларида кузатилди.

2011 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2010 йилга нисбатан 6,6 фоизга ошиб, 19,6 трлн.сўмни ташкил қилди.

Мазкур давр мобайнида кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,2 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 50,5 фоизни ташкил қилди. Юқори ўсиш суръатлари алоқа ва ахборотлаштириш (41,6 фоиз), туризм (27,3 фоиз), маиший (20,9 фоиз) соҳаларида, шунингдек автомобиль ва бошқа техника воситаларини таъмирлаш (18,9 фоиз), молиявий (18,6 фоиз) ҳамда савдо ва умумий овқатланиш (18,6 фоиз) хизматларида кузатилди.

2011 йилда инфляция даражаси тасдиқланган прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва бунда қатъий монетар сиёсат юритилаётганлиги муҳим аҳамият касб этди.

Республика минтақаларида товарлар ва хизматлар нархларининг ўзгариши бўйича олиб борилган кузатишлар, шунингдек , истеъмол маҳсулотлари бозори конъюнктураси ва уларнинг халқаро бозордаги

нархлари динамикаси таҳлили 2011 йилда инфляцияга асосан номонетар омиллар таъсир этганлигини кўрсатди.

2011 йилда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2010 йилга нисбатан 7,9 фоизга ортиб, 18,3 трлн.сўмни ёки ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

Асосий капиатлга йўналтирилган инвестицияларнинг 50,2 фоизи хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг ўз маблағлари, 21,2 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар, 6,0 фоизи эса бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Умумий инвестициялар салмоғида ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 70,6 фоизни ташкил этди. Унинг 23,6 фоизи транспорт ва алоқа, 15,2 фоизи ёқилғи-энергетика, 4,6 фоизи қишлоқ хўжалиги, 4,1 фоизи металлургия ҳамда 23,1 фоизи бошқа тармоқлар ҳиссасига тўғри келади.

Ноишлаб чиқариш соқасига йўналтирилган инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши 29,4 фоизни, жумладан уй-жой қурилишининг улуши 17,7 фоизни, таълим соҳаси 2,1 фоизни ва соғлиқни сақлаш соҳаси 2,4 фоизни ташкил этди.

Ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида 2011 йилда республика бўйича жами 1 миллионга яқин янги иш ўринлари яратилди ва уларнинг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларига тўғри келади.

2011 йилда республикаимизда ўртача иш ҳақи 20,2 фоизга ошди, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортиди. Аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятдан олинди. 2011 йилда Ўзбекистоннинг тўлов баланси экспортни рағбатлантириш бўйича ҳамда маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ кўрилаётган чора-тадбирлар, жаҳон бозорида республиканинг асосий экспорт товарларига бўлган қулай конъюнктура каби омиллар ҳисобига шаклланди.

2-жадвал

2008-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси динамикаси

(млн. АҚШ долл)

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Ташқи савдо айланмаси	21197,3	21209,6	21842,4	25537,4
Экспорт	11493,3	11771,3	13044,5	15027,4
Импорт	9704,0	9438,3	8797,9	10510

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси доимий ўсиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда. Агар 2008 йилда бу кўрсаткич 21197,3 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2010 йилда “Инқирозга қарши чоралар дастури” доирасида экспорт қилувчи корхоналарни

қўллаб-қувватлаш, шунингдек экспорт қилинаётган маҳсулотлар турларини ва экспорт бозорлари географиясини ҳамда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини берди ва ташқи савдо айланмаси ҳажми 21842,4 млн. АҚШ доллари миқдорида бўлган ҳолда, 2011 йилга келиб унинг миқдори 25537,4 млн. АҚШ долларига етди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 2010 йилда 4246,6 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 1913, 6 млн. АҚШ долларига кўпайган бўлса, 2011 йилда бу қолдиқ 4517,4 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. 2010 йилда экспортни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ва жаҳон бозорида республикамизнинг асосий экспорт маҳсулотларига талабнинг ошиши ҳамда улар нархларининг кўтарилиши натижасида экспорт ҳажми 2009 йилга нисбатан 10,8 фоизга ошиб, 13044,5 млн. АҚШ долларини, 2011 йилда эса экспортни рағбатлантириш бўйича ҳамда маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ кўрилаётган чора-тадбирлар, жаҳон бозорида республиканинг асосий экспорт товарларига бўлган қулай конъюнктура каби омиллар ҳисобига 2010 йилга нисбатан 15,4 фоизга ошиб, 15027,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Импорт ҳажми эса 2010 йилда 8797,9 млн. АҚШ долларини, 2011 йилда эса 2010 йилга нисбатан 14,5 фоизга ошиб, 10510 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2011 йилда халқаро валюта бозорларидаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича зарурий чора-тадбирлар амалга ошириб борилди.

Бунда ички валюта бозорига ташқи омилларнинг салбий таъсирини бартараф этиш ва уни самарали тартибга солиш мақсадида валюта алмашув курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган стратегияси қўлланилди.

Марказий банк миллий валюта алмашув курсини мақсадли каридор доирасида ушлаб туриш учун валюта савдоларида хорижий валюталарни сотувчи ва сотиб олувчи сифатида қатнашиб, интервенция операцияларини амалга ошириб борди. Экспортни рағбатлантириш ҳамда импортни мақбуллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ички валюта бозоридаги операциялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 19,8 фоизга ошиб, 13,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

2012 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, бир АҚШ долларининг номинал қиймати 1795,0 сўмни ташкил қилиб, миллий валютанинг девальвацияси 9,5 фоизга тенг бўлди.

Сўмнинг АҚШ долларидан бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курслари ушбу валюталарнинг ташқи валюта бозорларидаги АҚШ долларига нисбатан курслари динамикаси ва ички валюта бозорида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси таъсири остида шаклланди.

Шунга мувофиқ, 2011 йилда сўмнинг япон иенасига нисбатан алмашув курси 16,4 фоизга, фунт стерлингга нисбатан 9,8 фоизга ва еврога нисбатан 8,2 фоизга пасайди.


2.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини макроиктисодий барқарорликка таъсири таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли Қарори билан тасдиқланган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб бориш тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар комплекси амалга оширилди.

Хусусан, кичик бизнес субъектларининг давлат харидлари тизимида иштирок этишини ҳамда юқори ликвидли маҳсулотлар олиш имкониятини кенгайтириш, экспорт қилувчи корхоналарнинг маҳсулотларини ва олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналарни сертификатлаштириш тартибини янада соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига дахлдор солиқ текширувларини тубдан қисқартириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ушбу кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада кенгайишига хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг маълумотларига кўра, кичик бизнес субъектларининг сони ўтган йилда 17,2 мингтага ўсиб, 2012 йил 1 январ ҳолатига кўра 218,9 мингтани (фермер хўжалиklarини ҳисобга олмаган ҳолда) ташкил этди. Ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 1,5 фоиз бандга ўсиб, 54,0 фоизга етди.

2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда



Расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, агар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2000 йилда бор – йўғи

30 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб, унинг улуши 54 фоизни ташкил этган ва бу 2000 йилдаги даражадан 1,8 марта ортиқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида соҳа вакиллари молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк тизимда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги ПҚ -1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

Хусусан:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк кунидан ошмайдиган муддат қилиб белгиланди;

- тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;

- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди;

- имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлар бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар беришдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди.

Давлат дастури доирасида тижорат банкларининг барча филиалларида “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди, банкларнинг мунтазам янгилаб туриладиган веб-сайт ва порталлари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ахборот хизмати кўрсатиш тизими кенгайтирилди.

Яратилган шароит ва имтиёзлар натижасида тижорат банклари томонидан мазкур соҳа вакилларига кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб, сифати ошиб бормоқда.

Жумладан, 2011 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробарга ошиб, 4,0 трлн. сўмни ташкил этди ва мазкур маблағлар ҳисобига минтақаларда 291 мингтадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Ажратилган микрокредитлар ҳажми 752,3 млрд. сўмни ташкил этиб, мазкур кўрсаткич 1,5 баробарга ўсди.

Давлат дастурига мувофиқ, турли соҳа ва йўналишлар учун кредитлар ажратиш истиқболли кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди. Жумладан:

- озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга 712,4 млрд.сўм;
- ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадларига 724,0 млрд.сўм;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 351,1 млрд.сўм;
- касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш учун имтиёзли шартлар асосида 25,6 млрд.сўмлик микрокредитлар;
- Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиklarини йирик шохли қорамол сотиб олиш учун 59,7 млрд.сўм;
- Тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредит беришў махсус жамғармалари маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига 31,2 млрд.сўм;
- Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун 54,1 млрд.сўм миқдоридаги кредитлар ажратилди.

Шунингдек, “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 159,7 млрд.сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар ҳукуматларининг 143,4 млн.АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит линиялари ва грантлари ўзлаштирилди.

Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш учун аввало кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотни яратишда иштирок этувчи тармоқлар ривожига таъсирини ҳам кўриб чиқиш муҳимдир.

3-расм. 2011 йилда иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти ҳажми

2011 йилнинг январ-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм




Расмдан кўриниб турибдики, 2011 йилда саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти ҳажми 8742, 7 млрд.сўмни, қишлоқ хўжалигида 19211,7 млрд.сўмни, пуллик хизматлар кўрсатишда 4893,9 млрд.сўмни, экспортда 2827,6 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

Энди иқтисодиёт тармоқлари бўйича яратилган маҳсулот ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улушини кўриб чиқамиз

2010-2011 йиллар давомида кичик тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқларидаги улушига назар ташласак, унинг улуши қишлоқ хўжалигида ўзгармаганлигини, яъни 97,9 фоиз маҳсулот кичик тадбиркорликка тегишли бўлганлигини кўришимиз мумкин. Иқтисодиётни индустриалаштириш жараёнларининг ривожлантирилиши натижасида саноатнинг улуши 201 йилдаги 18,8 фоиздан 2011 йилда 21 фоизгача кўтарилди. Бундай хусусият асосий капиталга ҳам хос бўлди. Айниқса, қурилиш соҳасида кичик тадбиркорликнинг улуши 14,7 фоиз пунктга кўтарилди ва 2011 йилда 69 фоизни ташкил этди. Аксинча савдо ва пуллик хизматларда кичик тадбиркорлик улуши қисқарди.

4-расм. 2010-2011 йилларда Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқлари бўйича яратилган маҳсулот ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) кичик тадбиркорликнинг улуши



2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин эгаллади. Худудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўринининг 68

фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоизидан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоизидан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобидан яратилди

2005-2010 йилларда иш билан бандликда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улушини қуйидаги расмдан кўришимиз мумкин.


5-расм. 2005-2010 йилларда иш билан бандликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни




Маълумотлардан кўриниб турибдики аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ортиб бормокда. Агар 2005 йилда банд бўлганларнинг 64,8 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланган бўлса, 2010 йилга келиб, уларнинг улуши 74,3 фоизга етди, 2011 йилда бу кўрсаткич янада ошди

Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш иқтисодиётга жалб этилган ички ва ташқи инвестициялар миқдорига ҳам боғлиқдир. Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жалб этилган маблағлар алоҳида ўрин эгаллайди.

6-расм. 2010 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хорижий инвестицияларни жалб этиш.



2010 йилда халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 146 млн. АҚШ доллари ҳажмда кредитлар жалб этилди



Макроиктисодий барқарорликни таъминлашга бошқа тадбиркорлик субъектлари сингари “ASB EXCLUSIVE SERVICE” масъулияти чекланган жамияти фаолияти ҳам таъсир кўрсатади.

“ASB EXCLUSIVE SERVICE” масъулияти чекланган жамиятининг стратегияси бу жамиятнинг ташқи муҳит ўзгаришларига аввалдан режалаштирилган муносабатидир. Жамиятнинг мақсад мослашуви унинг ўз миссиясига эришиш учун амалга ошувчи узок муддатли натижа ҳисобланади. Бу мослашувлар масъулияти чекланган жамиятнинг истиқболи учун муҳим, чунки бу мослашувлар унинг ривожланиш йўналиши мўлжали, ютуқларни баҳолашга асос, фирма ишчиларини рағбатлантиришнинг илк нуқтаси ҳисобланади.

Жамият фаолиятининг асосий мақсади аҳолига ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, Ўзбекистон Республикасида истеъмол бозорини шакллантиришда иштирок этиш, хўжалик фаолиятдан даромадлар олиш бўлиб ҳисобланади. Жамиятнинг асосий фаолият тури юкларнинг божхона декларациясини расмийлаштириш хизмати. Жамият фаолият турлари яна қуйидагилар киради: табиий газни қайта ишлаш, нефт қазиб олиш саноати, нефтни қайта ишлаш саноати, нефтга йўлдош газни қайта ишлаш, қора металл ишлаб чиқариш, қувур ишлаб чиқариш, ўтга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иккиламчи қора металлни қайта ишлаш, ишлаб чиқаришга мўлжалланган металл буюмларни ишлаб чиқариш, мис ишлаб чиқариш, кўрғошин ва рух ишлаб чиқариш,

никел ва кобалт ишлаб чиқариш, қалай ишлаб чиқариш, нодир металллар ишлаб чиқариш, ярим ўтказгич материаллар ишлаб чиқариш, қимматбаҳо металллар ва қуймалар ишлаб чиқариш, рангли металллар ва қуймаларга ишлов бериш, алюминий, магний ва титан прокати ишлаб чиқариш, иккиламчи рангли металллар ишлаб чиқариш, электрод саноати, қаттиқ қотишмалар, қийин эрийдиган ва иссиқликка чидамли металллар саноати, тола ва кимёвий ип саноати, сунъий смола ва пластик масса саноати, пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш, полимер пленка, қувур ва листлар ишлаб чиқариш, узлуксиз шиша тола ва унинг маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шишапластиклар ва унинг маҳсулотларини ишлаб чиқариш, грампластинка, магнитофон кассеталари ва компакт-дисклар ишлаб чиқариш, полимер транспор таралар ишлаб чиқариш, лак-бўёқ саноати, сунъий бўёқлар саноати, маиший кимё саноати, кимё саноатининг бошқа тармоқлари, шина ишлаб чиқариш, шина таъмирлаш саноати, резино-техник бумлар саноати асбест-техник буюмлар саноати ва бошқа кўпгина ишлаб чиқаришларни қамраб олади.

Фойдани тақсимлаш иш фаолиятдан олинган фойдадан барча солиқ ва мажбурий тўловлар ва бошқа харажатлар айириб ташлангач таъсисчиларга берилади. Асосий воситаларнинг бошланғич қийматига нисбатан эскириш суммаси 10 фоизни ташкил этган ва бу амортизация меъёрига мосдир. Шунинг ҳисобига қолдиқ қиймат 2250 минг сўм, яъни бошланғич қийматнинг 90 фоизига тенгдир.

3-жадвал

2011 йилда “ASB EXCLUSIVE SERVICE” масъулияти чекланган
жамиятининг активлари

Кўрсаткичлар номи	2011 йил	
	Минг сўм	фоизда
Узоқ муддатли активлар-жами	2250	22,2
Асосий воситалар Бошланғич қиймати	2500	24,7
Эскириш суммаси	250	2,5
Қолдиқ қиймати	2250	22,2
Жорий активлар жами	7891	77,8
Товар моддий заҳиралари-жами	575	5,6
Ишлаб чиқариш	575	5,6

заҳиралари		
Дебиторлар жами	4094	40,4
Харидор ва буюртмачилар қарзи	4094	40,4
Пул маблағлари жами	3222	31,8
Ҳисобланиш сче­ти­да­ги пул маблағлари	3222	31,8
Баланс активи бўйича жами	10141	100

Жадвал маълумотларига кўра, “ASB EXCLUSIVE SERVICE” масъулияти чекланган жамият узоқ муддатли активлар 2011 йилда жами активларнинг 22,2 фоизини ташкил этган бўлса, унда асосий воситалар бошланғич қиймати улуши 24,7 фоиз бўлган. Эскириш суммаси 2,5 фоиз бўлганлиги учун ҳам қолдиқ қиймати 22,2 фоиз даражасига тушган. Ўз навбатида жорий активлар улуши шу давр мобайнида 77,8 фоизни ташкил этган. Жорий активлар таркибида товар моддий заҳираларининг баланс активларидаги улуши 2011 йилда 5,6 фоизни ташкил этган бўлса, уларнинг барчаси ишлаб чиқариш заҳираларига тўғри келган. Энг катта улуш дебиторлик қарзларига тўғри келган, чунки уларнинг улуши жами активларнинг 40,4 фоизига тенг ва бу 4094 минг сўмдир, бу қарзларнинг барчаси харидор ва буюртмачилар қарзидир. Мазкур жамиятнинг пул маблағлари жами активларнинг 31,8 фоизига тенг бўлиб, бу маблағлар ҳисоблашиш сче­ти­да­ги пул маблағларидир.

4-жадвал

2011 йилда “ASB EXCLUSIVE SERVICE” масъулияти чекланган жамиятнинг пас­сив­ла­ри

Кўрсаткичлар номи	2011 йил минг сўмда	Жами пас­сив­га нис­ба­тан улуш, фоизда
Ўзлик маблағлари манбалари жами	8805	86,8
Устав капитали	2500	24,7
Қўшилган капитал	450	4,4
Тақсимланмаган фойда	5855	57,7
Мажбуриятлар - жами		
Жорий мажбуриятлар - жами	1336	13,2
Жорий кредиторлик қарзлари	1336	13,2
Бюджетга тўловлар бўйича қарз	620	6,1
Мақсадли давлат жамғармаларига	247	2,4

тўловлар бўйича қарз		
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	232	2,3
Бошқа кредиторлик қарзлари	237	2,4
Баланс пассиви бўйича жами	10141	100

“ASB EXCLUSIVE SERVICE” масъулияти чекланган жамият фирмасининг пассивларига келсак, унда фирманинг ўзлик маблағлари манбалари миқдори 2011 йилда 8805 минг сўмни ташкил этди, бу жами баланс пассивининг 86,8 фоизини ташкил этди. Мажбуриятларнинг баланс пассивидаги улуши 2011 йилда 13,2 фоизни ташкил этган бўлиб, унинг суммаси 1336 минг сўм бўлган. Бу асосан, жорий кредиторлик қарзлари бўлиб, шундан 6,1 фоиз бюджетга тўловлар бўйича, 2,4 фоиз мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича, 2,3 фоиз меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ва қолган 2,4 фоизи бошқа кредиторлик қарзлари ҳисобига тўғри келади.

5-жадвал

2009-2011 йилларда “ASB EXCLUSIVE SERVICE” масъулияти чекланган жамият фирмасининг фаолияти

Кўрсаткичлар номи	2011 йил	Жами маҳсулотни сотишдан соф тушумга нисбатан фоизда
Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	9556,4	100
Сотилган маҳсулотларнинг таннари	-	
Маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси	9556,4	100
Давр харажатлари	3128	32,7
Шу жумладан, маъмурий харажатлар	2836	29,7
Бошқа операцион харажатлар	292	3,0
Асосий фаолиятнинг фойдаси	6428,4	67,3
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	6428,4	67,3
Даромад солиғи	6428,4	67,3
тўлангунга қадар фойда		
Даромад солиғи	573,4	6
Соф фойда	5855	61,3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фирмада маҳсулотни сотишдан соф тушум 2011 йилда 9556,4 минг сўмни ташкил этган. Ушбу соф тушумга нисбатан олганда давр харажатлари 32,7 фоизни, асосий фаолият

фойдаси 67,3 фоизни ташкил этган. Даромад солиғи соф тушумга нисбатан 6 фоиз, ушбу соф тушумнинг 5855 минг сўми соф фойдадир ва у соф тушумга нисбатан 61,3 фоизни ташкил этган.

Санаб ўтилган барча вазиятлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат макроиқтисодий вазиятига у ёки бу даражадаги таъсирини ифодалайди.

III боб. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини ошириш йўллари

3.1. Мустаҳкам оила йилида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари

2012-йилнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирганда, жорий йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг кўрсаткичлари аввало юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлаш лозим.

Ялпи ички маҳсулотнинг 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқаришининг 8,6 фоизга, қишлоқ хўжалигининг 5,8 фоизга ўсиш суръатлари белгиланмоқда. Шунингдек, истеъмол нархларининг ўсиш даражаси 7-9 фоиз доирасида бўлиши мўлжалланган, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиз даражасида сақлаш назарда тутилган.

Мамлакатимизнинг 2012-йил учун тасдиқланган Давлат бюджети жами харажатларининг 60 фоиздан ортиғини социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш кўзда тутилган.

Солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг паст ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилганини қайд этиш лозим. Бу, аввало, кам иш ҳақи тўланадиган ишловчилар тоифаси даромадларининг кўпайишига сезиларли равишда ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажми анча ошиб, ўтган йилга нисбатан уларнинг ўсиш суръатлари 109,3 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 24,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, хорижий инвестициялар ва жалб қилинадиган кредитлар ҳажми 16 фоизга кўпайиб, 3 миллиард 300 миллион доллардан ошади. Мазкур маблағнинг 2 миллиард 300 миллион доллардан ортиғи ёки қарийб 70 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиши айниқса эътиборлидир.

Бу хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига, энг муҳими, Ўзбекистон тараққиётининг истикболига бўлган қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бораётганидан яққол далолат беради.

Жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни келажакда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 2012-йилда ва ундан кейинги йилларда

қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур.

Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти аввало шу билан белгиланадики, ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқиш ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа ҳисобланади

Ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас.

Бу вазифанинг ўртага қўйилиши, шунингдек, инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, дунё миқёсида харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хомашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқ.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012-2016-йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Жорий 2012-йилда иқтисодиётимизни диверсификация қилишни давом эттиришда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳозирги вақтда ушбу Жамғарма капитали 9 миллиард доллардан ошиб кетди. 2012-йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етакчи тармоқларида 758 миллион доллардан

зиёд ҳажмдаги 29 та стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаш мўлжалланмоқда, бу ўтган йилга нисбатан 38,2 фоизга кўп демакдир.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи айниқса, мамлакат учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган енгил саноат, фармацевтика ва қурилиш материаллари саноати каби истеъмол товарлари ишлаб чиқариладиган тармоқларга тегишлидир.

Мамлакатимизда яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш борасида ҳам ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд. Лекин қатор тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан, асосий фондлардан тўлиқ фойдаланишда, меҳнат самарадорлигини оширишда йўл қўйилаётган камчиликлар маҳсулотлар таннархининг асоссиз равишда ўсиб кетишига олиб келмоқда.

Бу масалаларни ҳал этиш учун, биринчидан, саноатда маҳсулот таннархини 10-15 фоизга пасайтириш юзасидан ҳар бир саноат корхонаси бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш, иккинчидан, мамлакатимиз корхоналарида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш даражасини мавжуд ресурс ва имкониятларини аниқлаш ҳамда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, бунинг учун қўшимча имтиёзларни кўзда тутадиган махсус қарор қабул қилиш керак ва бунда биринчи навбатда, маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини янада ривожлантиришга оид ишларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратиш, учинчидан, бугунги кескин рақобат шароитида маҳсулотларимизнинг жаҳон ва минтақавий бозорларда харидоргир бўлиши ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун ташқи бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тайёрлаш зарур. Тўртинчидан, мамлакатимиздаги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ва бошқа тармоқларнинг экспорт ярмаркалари ўтказишини кенгайтириш, шунингдек, маҳсулот сотишнинг замонавий усулларида кенг фойдаланиш, асосий ишлаб чиқарувчиларимизни ўз маҳсулотлари тақдимотини ўтказиш ва янги экспорт шартномалари тузиши учун нуфузли халқаро ярмаркаларга жалб этиш бўйича алоҳида Ҳукумат қарорини қабул қилиш лозим.

Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала – бу хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат.

Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича мамлакат иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқда. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилиши кўзда тутилмоқда.

2012-йилда ва ундан кейинги йиллардаги устувор йўналишлардан бири бу қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастурни амалга оширишдир.

“Қишлоқ жойларда хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг қўламли дастур амалга оширила бошлаганидан буён, яъни сўнгги икки йил давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлди. Фақат ўтган йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метрга тенг бўлган 7 минг 400 та хусусий уй-жой қуриб битказилди. Бу мақсад учун 576 миллиард сўмликдан ортиқ инвестициялар йўналтирилди, уларнинг 63 фоизидан зиёдини марказлаштирилган манбалар ва “Қишлоқ қурилиш банк” маблағлари ташкил этади”³.

2012 йилда умумий турар-жой майдони 1 миллион 200 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган 8 минг 510 та якка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилган, бу эса ўтган йилга нисбатан 15 фоиз кўпдир.

Шу билан бирга, давлат маблағлари, яъни бюджет маблағлари ҳисобидан турар-жой посёлкаларини қуриш бўйича олдиндан тасдиқланган комплекс режаларга мувофиқ 425 километрдан зиёд водопровод тармоғи, қарийб 260 километр электр линиялари, 375 километр газ тармоқлари ва 306 километр ички йўллар қурилиши режалаштирилган.

Ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳисобидан комплекс қурилиш жойларида 26 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та умумтаълим мактаби ва 680 тадан зиёд хизмат кўрсатиш ва сервис объекти фойдаланишга топширилади.

Ушбу мақсадларда йил давомида қарийб 810 миллиард сўмлик капитал қўйилмаларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Умуман айтганда, Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг 2015-йилгача мўлжалланган тасдиқланган дастурини амалга ошириш ишларига 2 миллиард 200 миллион АҚШ доллари қийматидаги маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда. Дастурнинг амалга оширилишида Осиё тараққиёт банки фаол иштирок этмоқда. Мазкур банк қишлоқда якка тартибдаги уй-жойлар қурилишига 500 миллион доллар миқдорида, жумладан, 2012-йилда 160 миллион доллар инвестиция киритишни режалаштирмоқда. “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан унинг ўз маблағлари ва Осиё тараққиёт банкининг заём маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш учун кредитлар қишлоқ аҳолисига имтиёзли шартларда, 15-йил муддатга йиллик 7 фоизли ставка бўйича берилмоқда. Бу эса тижорат банкларининг ипотека кредитлари ставкасидан қарийб икки баробар паст

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2012 йил 20 январ.

бўлиб, моҳият эътибори билан қишлоқда яшаётган оилаларга катта имтиёз ва имконият яратиш беришга қаратилгандир.

Мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, аввало, демографик жиҳатларига кўра, аҳоли бандлиги масалалари ўзининг долзарблиги ва ўткирлигини сақлаб қолмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2012-йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига биноан 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 600 мингини қишлоқ жойларда ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобидан 480 мингдан зиёд кишини ишга жойлаштириш, биринчи навбатда, корхоналар билан ҳамкорликда меҳнат шартномалари асосида касаначиликнинг турли шакллари, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 210 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, транспорт ва коммуникациялар қурилишини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларининг кўламини кенгайтириш ҳисобидан 2012-йилда қарийб 75 мингта янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган.

Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бугунги кунда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, макроиктисодий барқарорликни оширишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ишлаб чиқилди ва бу дастурни амалга ошириш учун 2012-йилда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан қарийб 4 триллион 400 миллиард сўм ва 370 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилган. Бу маблағнинг 60 фоизга яқинини давлат маблағлари, 25 фоизини тижорат банклари кредитлари, қарийб 15 фоизини масъул ижрочиларнинг ўз маблағлари ҳамда 360 миллион доллардан ортиғини халқаро институтлар ва донор мамлакатлар маблағлари ташкил этади.

3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини ошириш йўллари

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини ошириш кичик бизнес соҳасида янги иш ўринларининг нисбатан кўпроқ ташкил этиш сабаблари билан боғлиқдир. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилаётган иш ўринлари қийматининг пастлиги, мазкур соҳада яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларнинг жонли меҳнат сиғимини юқорилиги, янги ташкил этилаётган кичик бизнес корхоналари сонининг йирик корхоналарга нисбатан кўплиги ва янгидан ташкил этилаётган йирик ёки ўрта корхоналар пировардида яна кичик бизнес корхоналаридаги иш ўринларининг кўпайишига олиб келиши сабаб бўлади.

Ёшларни инновацион фаолиятга асосланган кичик бизнес корхоналарига кўпроқ жалб этилиши ҳам макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг аҳамиятини янада оширади. Бу вазифани ҳал этиш ёшлар томонидан илмий ғоя ва ихтироларнинг яратилишини рағбатлантириш, уларни амалга оширилишини таъминловчи ихтисослаштирилган лойиҳалаштириш корхоналари фаолиятини кенгайтириш, таркибида касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари талабалари салмоғи юқори бўлган меҳнат жамоаларига инновацион бизнес режаларнинг имтиёзли асосда тақдим этилишини таъминлаш, ёш мутахассисларнинг илмий ғоялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишни рағбатлантирувчи ва мувофиқлаштирувчи муассасалар фаолиятини фаоллаштириш ҳамда республика миқёсида ёшлар томонидан илгари сурилган илмий ғоялар ва ишланмалар танловини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари, бошланғич капитални шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш, микрокредитлашни кўпайтириш, кредит ажратиш механизмларини янада такомиллаштиришга эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда янада қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш ва хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашда банкларнинг фаол иштироқи таъминланади. Ўз навбатида, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни давом эттириш мақсадида ушбу сектор иштирокчилари учун молия-кредит ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган бозор воситалари, механизмлари ва амалиёти такомиллаштириб борилади.

2012 йилда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилаётган кредитлар ҳажмининг 4,4 трлн.сўмдан ошиши прогноз қилинган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларини жалб қилиш ва ўзлаштириш ишлари фаоллаштирилади.

Устувор равишда олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган ҳамда ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда фаолият юритувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш жамғармалари маблағлари ҳисобидан ажратиладиган кредитлар ҳажми кенгайтирилади.

Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш, жумладан жозибадор бўлган турли молиявий инструментлар орқали молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмлари ошириб борилади.

Шунингдек, “Мустаҳкам оила йили” давлат дастурига мувофиқ, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳамда ипотека кредитлари ажратилиши кўзда тутилган.

Тармоқ йўналишига кўра кичик бизнес субъектларига берилган солиқ имтиёзлари ҳам макроиктисодий барқарорлаштиришни таъминлашга қаратилган. Бу имтиёзлар 2014 йил 1 январгача янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш қурилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилиш, 2012 йил 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилиши, четдан олиб келинадиган технология ускуналари божхона тўловларидан озод қилиниши, 15 хилдаги ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловларидан, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарни импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинганлиги билан боғлиқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини янада ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш, ташкил этиш тартибини соддалаштириш ва фаолият юритишнинг моддий-техник шарт-шароитларини таъминлаш, солиқ ва бошқа тўловлар борасида енгилликлар яратиш, ҳисобот топшириш тизимини такомиллаштириш, кредитлаш механизминини янада такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, таўқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, имтиёзлар ва қулай шароитлар тизимини янада ривожлантириш зарур

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади барқарор иқтисодий ўсишга эришишдир, негаки бу мақсадга эришмай туриб, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ечиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш мумкин эмас. Бозор иқтисодиётига ўтаётган барча мамлакатлар қаторида Ўзбекистон ҳам барқарор иқтисодий ўсишга эришишни иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади қилиб белгилаб олди.

Иқтисодиётимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини сезиларли равишда пасайтириш ҳамда қатъий молия ва кредит сиёсатини ўтказиш ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини ошиб боришини ўрганиш асосида биз қуйидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим объектларидан бири ҳисобланади, чунки у муҳим макроиқтисодий функцияларни, яъни миллий иқтисодиётни таркибий қисмини такомиллаштириш, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш, бандликни таъминлаш, ҳалол рақобат муҳитини яратишга хизмат қилади.

Иккинчидан, республикаимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун мазкур хўжалик субъектларининг шаклланиши босқичида ва ҳозирги шароитда уларга имкон қадар кенг имтиёзлар берилиши миллий иқтисодиётимиз инфратузилмасида хусусий тадбиркорлик ўзига хос ва мос ўрин эгаллашга олиб келди.

Учинчидан, кичик бизнес субъектларининг давлат харидлари тизимида иштирок этишини ҳамда юқори ликвидли маҳсулотлар олиш имкониятини кенгайтириш, экспорт қилувчи корхоналарнинг маҳсулотларини ва олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналарни сертификатлаштириш тартибини янада соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига дахлдор солиқ текширувларини тубдан қисқартириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини янада кенгайтиришга хизмат қилди.

Тўртинчидан, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш иқтисодиётга жалб этилган ички ва ташқи инвестициялар миқдорига ҳам боғлиқдир. Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жалб этилган маблағлар алоҳида ўрин эгаллади.

Бешинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини ошириш кичик бизнес соҳасида янги иш ўринларининг нисбатан кўпроқ ташкил этиш сабаблари билан боғлиқдир.

Ҳозирги кунда амалиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини таҳлил қилиш

асосида бу соҳани ривожлантиришга қаратилган чора – тадбирлар бўйича куйидагиларни таклиф этмоқчимиз:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш, яъни уларни рағбатлантиришни давом эттириш мақсадида солиқ имтиёзларини кенгайтириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада жонлантириш лозим;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш керак, чунки уларнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашуви ҳозирги шароитда ҳам бу соҳани жадал ривожланишига тўсқинлик қилмоқда;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш тартибини соддалаштириш ва фаолият юритишнинг моддий-техник шарт-шароитларини таъминлаш ҳам зарур, негаки уларни ташкил этиш жараёнидаги қоғозбозликларнинг ҳалигача кўплиги, бу соҳада фаолият юритишни хоҳловчиларни ўз иш фаолиятларини бошлашларига йўл бермаяпти.

Юқорида баён этилган таклифларнинг инобатга олиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини оширишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Рақобат тўғрисида”Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон, 5-модда
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” “Халқ сўзи” газетаси, 03.05.2012 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. “Халқ сўзи” газетаси 7.09.2011 й
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Халқ сўзи” газетаси 13.09.2011 й
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 24.11.2011 ПФ-4354
- 8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2005 й. ПФ 3620-сонли «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони
- 9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги Қарори 10.03.2005 й.№ПҚ-24
- 10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастури тўғрисидаги” Қарори. 29.12.2011й. ПҚ-1455
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
- 12.Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир– Тошкент, 2008.
- 13.Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг Амалий мақсадимиз. Президентимиз Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. //«Халқ сўзи» 2008 йил декабрь.
- 14.Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

яқунлари ва 2009 йилда иқтисодий иттибарликни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. //«Халқ сўзи» 2009.

15.Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2009.

16.Каримов И. А “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” //«Халқ сўзи» 2010 йил 12 ноябрдаги

17. “2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» 2012 йил 20 январ

18.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Республика Ҳукуматининг 2011 йил 21 январдаги мажлисида “Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” Халқ сўзи» 2011 йил 21 январ

19. Б.Ю.Ходиев, А.Ш. Бекмуродов, У.В. Ғофуров, Б.К. Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодий, 2009.

20. Вахобов А.В., Абдуллаев Ё.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Ўқув қўлланма. Т: “IQTISOD - MOLIIYA”, 2009

21.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодий. - 2010.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодий. - 2012.

23.Абулкасимов Х. Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. Монография. – Т. “Akademiya”, 2011

24.М.Рахимов. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик макроиқтисодий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили. БПК, 2011 йил 6 сон

25. У.Мадраҳимов. Кичик бизнес соҳасини ривожлантириш- иқтисодий ўсишнинг асоси, БПК, 2011 йил 4 сон

26. Ж. Мирзаев. Мустаҳкам ҳуқуқий асос-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили. БПК, 2010 йил 1 сон

27. Ф. Муллажонов. Барқарор банк тизими-иқтисодиёт таянчи. БПК, 2010 йил 1 сон.

28. С.Абдуллаев. Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашда банк тизмининг ўрни. БПК, 2011 йил 12 сон.

29. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлигининг расмий маълумотлари

30. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари

31. Интернет сайтлари:

www.lex.uz.

www.gov.uz

www.review.uz

www.tdiu.uz

www.tfi.uz